

И. Е. ПЛЕТНЕВ

ГҶРИ АМИР



ГУР-ЭМИР

Тўртинчи наشري

Издание четвёртое



ГАШКЕНТ — 1970

72
П 52

Плетнев, И. Е.
Гури Амир. 4-нашри. Т.. «Ўзбекистон», 1970.
24 бет, расм, Тит. в. ва текст паралл. ўзб. ва рус тилла-
рида.

Плетнев, И. Е Гур-Эмир.

72(C52)

3-2-1
1970

Машҳур қадимги архитектура ёдгорликларидан бири—Гўри Амир Самарқанднинг энг гўзал биноларидан бири «Интурист» меҳмонхонасидан шарқ-жануб томонга чўзилиб кетган, азимтуп чинорлар ўсиб ётган Охунбобоев номи кўчададир.

Бу комплекс кенг империяни ташкил этган золим Темурнинг охирги қароргоҳи — Гўри Амир мақбараси номи билан аталган. Лекин комплекс территориясида дастлабки иморатлар XIV аср охирларида қурилган бўлиб, Темурнинг арзанда набираси Муҳаммад Султон номи билан боғлиқдир. Тарихий манбаларга қараганда Муҳаммад Султон Рухобод мақбараси ёнига (Рухобод мақбарасининг шарпаси Гўри Амирнинг шимол томонидан кўриниб туради) мадраса ва хонақоҳ қурдирган.

Бир-бирига қарама-қарши қурилган мадраса ва хонақоҳларнинг фасадлари чорси ҳовлига чиқиб туради. Ҳовлининг қолган икки томони баланд деворлар билан ўралган. Ҳар бир деворнинг ўртасида ансамблнинг турли қисмига кириладиган пештоқ бўлган.

Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиё соҳилларига қилган узоқ сафаридан қайтиб келаётганда тўсатдан касал бўлиб вафот этади. Шаҳзоданинг жасади Самарқандга олиб келиниб, ансамблнинг жануб томонидаги айвон орқасидаги дахмага дафн қили-

нади. Темур шаҳзодага атаб мақбара қуриш ҳақида фармон беради. Шундан кейин дахма устига саккизёқли бино қурилади. Шарқ тарихчиси Шарафиддин, бу бино осмон каби баланд гумбаз, деворларининг пастки қисми зарҳал ва ложувард билан безатилган мрамор тошдан қилинган, деб таърифлайди Афсонада айтилишича, Темур дахманинг баландлигидан мамнун бўлмаган, уни бузиб, ўн кун ичида янгидан қуришни буюрган. Амирнинг газабидан қўрққан усталар кечаю кундуз ишлаб, фармонни бажо келтирганлар. Ҳар қандай афсонадаги каби бунда ҳам муболага бўлган бўлса керак. Аслида мақбаранинг тепа қисми — барабани билан гумбазни қайта ишланган бўлса ажаб эмас. Лекин бу ишлар ҳам охирига етказилмаган. 1405 йилнинг бошларида Темур вафот этди ва Муҳаммад Султон жасади ёнига дафн қилинди.

Темур ўлгандан кейин тахт учун ўзаро урушлар бошланиб кетиб, мақбарани қуриб тамомлашга халақит беради. Мамлакат 1409 йилдагина тинчийди. Темурнинг ўғли Шоҳрух Хиротни пойтахт қилади. Улуғбекни эса Самарқанд ҳокими қилиб тайинлайди.

Темурдан Улуғбекка жуда кўп бойликлар мерс ҳолади. Олимлар, ҳунармандлар ва рассомлар унинг ихтиёрига ўтади. У мамлакатда маданият ва қурилиш ишларини ривожлантириб юборади. Улуғбек буюк бобосига ҳурмат юзасидан саккизёқли мақбарани Темурийлар авлоди дафн қилинадиган мақбарага айлантиради. Мақбара битгач, Темурнинг маънавий устози Мирсайид Бараканинг жасади шу мақбарага кўчирилади. Темурнинг ўзи устозининг оёқ томонига дафн этилади. Баъзи ривоятларга қараганда, у шундай васият қилган эмиш.

Бинонинг ичи янгидан безатилган, мақбара полига дахмалар қўйиб атрофига нафис мрамортошдан тўсиқ қилинади. Мақбарага шарқ томонига тақаб қурилган кўп гумбазли галереядан кирилади. Галерея 1424 йилда қурилган.

Мақбарага Темурнинг ўғиллари — Мироншоҳ ва Шоҳрухлар ҳам дафн қилинган.

Мақбаранинг гарб ва жануб томонига ёндош қилиб қурилган бошлаган, лекин чала қолган улкан

иморатлар Улуғбек ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келса керак.

1449 йилда мутаассиб руҳонийлар таъсирида Улуғбек ваҳшиёна ўлдирилади. Буюк астрономнинг жасади Гўри Амир мақбарасига дафн қилинади.

Баъзи маълумотларга қараганда, XVII асрда мадраса ишлаб турган, хонақоҳ биносидан эса вайронларгина сақланиб қолган. Бу вақтларда Темурнинг номи илгаригидек ҳурмат билан тилга олинмас эди. Мақбара Сайид Барака номи билан юритиларди. XVIII асрнинг 20-йилларидаги ижтимоий ва иқтисодий кризис даврида ҳувиллаб қолган Муҳаммад Султон мадрасаси харобага айлана бошлайди.

Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳи унутилиб кетгани учун Самарқанд ёдгорликларининг дастлабки тадқиқотчилари узоқ вақтгача мадраса ва хонақоҳ тушган жойни аниқлай олмаган эдилар.

Фақат Совет ҳукумати давридагина қадимги ёдгорликларни чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқот қилиш имконияти туғилди. Археология қазилмалари ўтказилиши натижасида йўқ бўлиб кетган биноларнинг деворлари ва пойдеворларининг қолдиқлари топилди. Архитектура-қидирув ишлари бинонинг ҳажмини, конструкцияси ва баъзи қисмларнинг безакларини чертёжда аниқлаш имконини берди. Тўпланган материаллар 1945 йилдан бошланган планли реставрация ишларига асос қилиб олинди. Бутунлай бузилиб кетган ҳовли деворлари реставрация вақтида одам бўйи бараварида тикланди. Натижада архитектура комплексидаги иншоотларнинг қай тартибда тушганлигини аниқлаш мумкин бўлди.

Бу нодир ёдгорлик ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун ҳовли атрофидаги иншоотларни кўздан кечириб чиқиш лозим. Экскурсиячи ёдгорликни соат стрелкаси йўналишида айланиб, комплекснинг ҳамма қисмлари билан танишгандан сўнг, пештоқдан Темурийлар мақбараси — Гўри Амирга ўтади.

Муҳаммад Султон ансамблидан фақат пештоқигина яхши сақланган. Бу пештоқ ажойиб моҳирлик билан ишланган бўлиб, турли-туман кошинлари билан девор фонид аяққол кўриниб туради. Кошинлар

орасига бинони қурган устанинг — Муҳаммад бинни Маҳмуд Исфаҳонийнинг номи жимжимадор қилиб ёзиб қўйилган.

Ғиштин устунлар беагида гирих деб аталувчи геометрик шаклларга асосланиб, мафис қилиб ишланган композиция асосий ўринни эгаллайди. Равоқли, кунгура девор гулдор гиламдек қилиб безатилган. Деворларнинг тўқ зангори фонида шохчалар ҳар тарафга тарвақайлаб кетган бир-бирига чирмашиб, гуллаб турган ўсимликнинг расми тасвирланган. Токчадаги қуббалар майда арклар шаклида бир-бирига турли бурчаклар билан туташган сталактит (муқарнас)лар билан ишланган. Пештоқнинг юқори қисми бузилиб кетган, шарқ томондаги девори эса қийшайиб, қулаш хавфи туғилган, бироқ махсус илмий реставрация устахонасининг кўрган чоралари натижасида ёдгорлик сақлаб қолинди. Қийшайган устун тўғриланиб мустаҳкамланди. Пештоқ эски ҳолига келтирилди, лекин кошнларини тиклаб бўлмади.

Ҳовлининг шарқ томонидаги девор ортида Муҳаммад Султон мадрасасининг қолдиқлари кўриниб туради. Ёдгорлик территориясида ободончилик ишлари ўтказилганда, мадрасанинг қолдиқлари кўриниб туриши учун бир неча қатор ғишт териб кўтарилган.

Чорси ҳовлининг атрофига икки қаватли ҳужралар тушган. Ҳужралар бошқа мадрасалардаги сингари бўйи узун, эни тор бўлиб эшик тепасидаги дарчалардан ёруғ тушиб турарди. Мадрасанинг бурчакларида гумбазли дархоналар бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган сирли безаклар мадрасанинг жуда ҳам чиройли бўлганлигидан далолат беради. Ганчдан ишланган муқарнаслар гумбаздан бошлаб деворга бир текисда туширилган, унинг устига гул солинган ва зарҳал, ложувард кошнлардан ҳошия қилиб изора ясалган.

Мадрасанинг шарқ томонидаги дархоналарда XVII асрларда ҳам дарс ўқитилган. Ғарб томондаги дархона эса Улуғбек вафотидан кейиноқ гўрхонага айлантирилган. XIX асрда мақбаранинг ғарби-жанубий томонидаги харобалари ўрнига гумбазли бино қурилган, бу бино ҳозир ҳам бор.

Энди — комплекснинг жануб томондаги бинолари билан таништирамиз. Бу ердан комплекснинг энг муҳим қисми — Гўри Амир мақбарасининг ташқи архитектураси яққол кўриниб туради. Кўп қобирғали, баҳайбат гумбазли цилиндр шаклидаги барабанни кўтариб турган саккизёқли призма бино ҳажми композициясининг асосини ташкил этади. Мақбара деворларига зангори, ҳаво ранг ва оқ сирли кошинлар қопланган, бу кошинлар геометрик шаклда теришиб, арабча хат битиб, усталик билан ишланган. Меъмор бир-бирига ўхшаган шакллардан фойдаланиб, биноларнинг катта сатҳларини моҳирлик билан безаган.

Мақбара увоқдан кумушсимон-ҳаво рангга ўхшаб кетади. Фақат гумбаз бир оз кўкиш бўлиб жимиллаб ажралиб туради. Винога яқинлашган сари гумбазнинг саккизёқли қисмида ҳаво ранг геометрик шакллар ва барабандаги ҳаво рангли йирик ҳарфлар билан бир тартибда битилган ёзувлар аниқ кўрина бошлайди. Сўнгра гирихнинг шаклини тўлдириб борадиган кўк рангдаги сатрлар ва ҳарфлар орасида бири-бирига чирмашган жимжималар кўзга ташланади. Винога янада яқинроқ борилса, архитектурасининг нақадар усталик билан ишланганлигига тан беради, киши. Дарчалар тепасига ўрнатилган ажойиб кошинлар, мақбара цоколининг мармар плитасига ишланган нафис нақшлар диққатни жалб этади ва гўё бундан нафисроқ безак яратиб бўлмайдигандек кўринади. Аммо изора шарафасининг бежирим равоқчаларида зарҳал билан ишланган шундай нафис безаклар борки, уларни фақат жуда яқинига бориб қарасангизгина кўра оласиз. Усталар жуда ажойиб моҳирлик билан ишлаб нодир ёдгорликлар қолдирганлар.

Мақбаранинг ташқи томонини ишлашда гумбазга катта аҳамият берилган. Гумбаз остки қисмининг диаметри 15 метр, баландлиги 12,5 метр бўлса-да, оғирлиги сезилмайди. Бунинг сабаби шундаки, унинг гумбази 64 қобирғадан иборат. Гумбазнинг вази ажойиб ишланган шарафа орқали мустаҳкам асос — барабанга тушади. Гумбазнинг ранг-баранг қилиб ишланиши катта аҳамиятга эга. Гумбазда ҳаво ранг кўпроқ ишлатилгани учун бу ранг гумбазнинг эгри

чизиқли қобирғаларида товланиб туради, қуёшда чарақлаб, гўё осмонга қадалиб туради.

Гумбазнинг усти сирли кошинлар билан қопланган. Шарафаларида ҳам шундай кошинлардан ҳажми бир-бирига мос қилиб ишланган чиройли жим-жималар бор.

Мақбаранинг ташқи гумбази ёдгорликнинг ташқи қиёфаси янада салобатли бўлсин учун ички гумбаз устига ўрнатилган. Гумбаз реставрация қилинган вақтда устки қаватини мустақкамлаш мақсадида ич томонига ёғоч устунлар қўйилган. Реставрация қилиш техника жиҳатдан мураккаб ва катта иш бўлишига қарамай, совет реставрация тажрибаси бу соҳада ажойиб ютуқларга эришди. Мақбарадаги реставрация қилинган безаклар қисми сақланиб қолган эски безаклардан қолишмайди. Гумбаз ва унинг пастки қаватидаги саккиз қиррали барабан қопламасининг деярли ярми янгидан қилинганлиги реставрация ишларининг қанчалик катта эканлигини кўрсатади. Мақбаранинг жануб томонидаги қиррасига галереянинг қолдиқлари ёндашиб турибди. Бу галерея тахминан XV асрларда солинган бинолар таркибига кирган. Шу ерда катта комплекс қурилиши билан Гўри Амир ҳам ўз-ўзидан шу комплексга кириб қолган. Мақбаранинг жануб томонидаги дахма ҳам шулар қаторига киради.

Маълумки Темур тугилган шаҳри — Шаҳрисабзда ўзига атаб ҳашаматли бино қурдирган ва мрамартошда сағана ясаган. Темур тўсатдан вафот этгандан кейин шундай сиёсий вазият вужудга келдики, унинг жасади Самарқанддаги набираси учун солинган мақбарага дафн этилди. Бу мақбарани ҳам Темур қурдирган эди. Шунинг учун Шаҳрисабзда тошдан тайёрланган дахма устига буюк Темурнинг номи ёзилган плита ўрнатилмаган.

Улуғбек бобосига тақлид қилиб, Гўри Амир мақбараси ёнида зодагонларни дафн этиш учун катта қурилиш ишларини бошлаб юборган дейишга асос бор. Мақбарадаги дахма чиройлилиги жиҳатидан Шаҳрисабзда Темур қурдирган дахмадан қолишмайди. Бироқ Улуғбек ваҳшиёна ўлдирилиши билан

комплексдаги ишлар тўхталиб, мақбара ҳувиллаб қолди. Улуғбекнинг жасади эса у кўп меҳнат сарф қилган Гўри Амирга — бобоси ёнига қўйилди.

Галерея залларининг шаклини деворлар қолдиғидан, деворга ишланган безакларчи эса шарафа парчаларидан билса бўлади. Иншоотнинг қанчалик катта бўлганлигини унинг ғарб томонида битмай қолган комплексига қараб аниқлаш мумкин. Каттақон залдан унинг тўрт томонига қачонлардир қўйилган тўртта равоғидан биттасигина сақланиб қолган. Эни 10 метрли равоқнинг икки томонидан йўлак ўтган. Йўлакнинг шимол томонидан қўш гумбазли икки қават бинога, жануб томондан эса галереяга кирилади. Гўри Амир мақбараси ва дахмасига шу галереядан ўтилади. Демак, мақбара атрофи бинолар билан ўралган экан. Бу биноларда диний маросимлар ўтказилган.

Муҳаммад Султон хонақоҳи ва мадрасасидан девор қолдиқлари ва кошин парчаларигина сақланган. Лекин бу қолдиқлар асрлар бўйи пинҳон бўлиб келган иншоот сирини билишга имкон берди.

Хонақоҳ ўртасида катта гумбазли кенг зал, залнинг атрофида икки қаватли, бирдан иккинчисига ўтиладиган хоналар бўлган, бу хоналарнинг баъзиларида кишилар яшаган, баъзиларида қазноқ бўлган.

Шу билан бу нодир ёдгорликни атрофидан айланиб, кўздан кечирдингиз.

Энди катта пештоқдан ҳовлига кирасиз. Ҳовли саҳнига бундан беш юз йил илгари терилган плиталар аввалгидек турибди. Ҳовли ўртасида ёмғир сувлари оқиб тушалиган қудуқ бор. Ҳовли атрофини ўраб турган деворлар икки ярусли безакли равоқларга бўлинган. Равоқлар бўйининг баланд-паст, энининг эса турлича бўлиши ва рангларнинг жой-жойида ишлатилиши ўзига хос манзара касб этган. Равоқнинг кўпчилиги сайқал берилган ғиштлар, унинг тепа томонлари турли-туман ўсимликларни тасвир этувчи зангори кошинлар билан қопланган. Уртадаги айвонларни безатишга алоҳида эътибор берилган. Жануб томондаги айвон деворида сақланиб қолган безаклар парчалари унинг қандай гўзал бўлган-

лиги ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди. Кейинчалик ганч билан суваб юборилган деворлар қадимда турли-туман рангли кошинлар билан қопланган. Ҳовли томондаги фасаднинг тепасида арабча хатлар битилган кенг белбоғ бор.

Ҳовлининг ташқи бурчакларида қачонлардир юксалиб турган тўрт минорадан бирортаси ҳам бутун сақланмаган. Биринчи навбатда пештоқнинг икки томонидаги миноралар қулаб тушган. 1868 йилда руслар Самарқандни ишғол қилганларидан сўнг мақбаранинг шарқ томонидаги минора, 1903 йилда эса сўнгги минора қулаган. XIX асрда олинган расм ва чертёжларга қараб иккита минора қайтадан тикланди, лекин аввалги баландлигигача кўтариб бўлмади. Юқорига кўтарилган сари ингичкалашиб борган минора Улуғбек мадрасаси миноралари каби шарафа билан безатилган, миноранинг иккинчи звеноси афтидан оддий конструкцияда ишланган бўлса керак.

Остки ва устки қисми ҳар хил диаметрға эга бўлган минораларга кошинлар қоплаш техникаси кишини ҳайратда қолдиради. Миноранинг асоси билан тепаси орасидаги тафовут кошин плиталар теришда усталик билан бартараф қилинган. Ҳар бир қаторға бир хил миқдорда кошин плиталар терилган ҳолда, улар орасидаги чоклар юқорига кўтарилган сари торайиб боради ва тепасига етиб тугайди.

Улуғбек даврида мақбарага кириш учун қурилган эшикнинг ёни ва тепалари нафис безатилган. Илгари эшик тепасида: «Бу шавкатли Амир Темурнинг қабри...» деб ёзилган кошинли плита бўлган (бу плита ҳозир Ленинграддаги Давлат Эрмитажида сақланади). Мақбарага қатор гумбазли галереядан ўтиб кирилади. Бу галереянинг ҳовли томонидаги девори ва баъзи гумбазлари икки мартаба қайтадан ишланган. Деворларида сақланиб қолган безак қолдиқлари галереянинг ичи чиройли бўлганлигини кўрсатади.

Галереянинг ҳаво рангдаги олти қиррали шацкалардан иборат изсраси оқ фондаги деворға солинган яшил нақшлар билан бир-бирига жуда мос тушган. Шарқий фасаднинг баъзи ерларидаги сувоқлари кўчиб тушиб, деворлари очилиб қолган.

Галереядан ўтиб, темурийлар мақбарасига кирасиз. У кенг ва баланд зал бўлиб, тўртгала деворида ҳам ҳаво рангли тахмон бор. Мақбаранинг ичи жуде аниқ режаланган. Кенг лента шаклида ёзилган арабча хатлар изора, деворлар, ички ва ташқи гумбазнинг таянчи бўлган равоқли конструкциялар ярусини ажратиб туради.

Мақбара ғоятда нафис безатилган. Деворнинг пастки қисмида кўкимтир шаффоф оникс тошидан ишланган изора бор. Оникснинг чокларига кўкимтир тошлар териб безатилган. Бироқ бу қимматли тош изора ва унинг тепасидаги мрамартошдан ишланган шарафани қоплаб турувчи бежирим орнаменти учун чиройли фонгина бўлиб қолган. Изора устига ишланган ранг-баранг панно худди зар аралаштириб тўқилган гиламга ўхшайди. Гумбазнинг ичи, куйжак яруслари ҳар турли шаклларда бир неча қават ипак қоғоздан, бўрттириб (папье-маше қилиб) ишланган медальонлар билан безатилган, бу медальонлар гумбазнинг юқорисига кўтарилган сари торайиб боради. Уларга зарҳал берилган ва майда гуллар солиб нақшланган. Бўрттириб ишланган ипак қоғоз ораларидан кўриниб турган ганч сувоқ майда жимжимадек гоҳ зангори, гоҳ оқ бўлиб милтираб кўринади.

Жаҳон архитектураси тажрибасида асосан папье-машедан қилинган безаклар билан безатилган фақат иккита ёдгорлик (Бибиҳоним ва Гўри Амир) маълум.

Мақбарага рангдор ойналар солинган панжарали дарчадан ёруглик тушади. Шу ойналардан ўтиб тушган қуёш нуридан мақбара ичи ранг-баранг товланиб туради.

Мақбаранинг беагида Ўрта Шарқ усталарининг эришган юксак санъати намойиш қилиниб, маҳаллий анъаналарга мослаб ишланган.

Ҳозир мақбаранинг ўртасига ўрнатилган сағаналар устида темурийларга бағишланган ёзувлар бор. Шулар орасида Темурнинг қабри устига қўйилган тўқ яшил рангли нефрит (тош) диққатни ўзига жалб этади. Бу тошнинг қаердан олиб келинганлиги, мустақамлиги ва бениҳоя қимматлилиги ҳақида қанча-қанча

ча афсоналар тўқилган. Улуғбек 1425 йилда мўғуллар устидан ғалаба қозонганда қўлга киритилган ўлжалар ичида икки бўлак нефрит ҳам бўлган. Шу иккала тошни яхшилаб ишлаб, бир-бирига улаб, Темур қабри устига қўйилган.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигини забт этган вақтда (ўша вақтда Самарқанд Бухоро хонлигига қарар эди) Темур қабри устидаги тошни Машҳадга олиб боришга буйруқ берган. Лекин шаккок бўлишдан чўчиган Нодиршоҳ бу ниятидан қайтган ва ўша замон учун узоқ ва қийин бўлган сарфлардан кейин тошни яна қайтадан жойига келтириб қўйдирган.

Мақбаранинг шарқ томонидаги равоқда пастга тушадиган зина бор. Бу зинадэн мақбаранинг остки қаватига — дахмага тушилади. Остки қаватдаги бионинг шипи ўн икки қиррали гумбаз қилиб қия ишланган, ички безаклари жуда содда. Темурийларга қўйилган сағаналар юқори қаватда қандай тартибда бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда. Ҳар қайси қабр усти мрамртош билан қопланган.

1941 йилда темурийларнинг қабри махсус комиссия томонидан очилган эди. Темурнинг арча тобутига қалпоқли мих (арава михи) қоқилган экан. Тобутда Темурнинг бир неча қават мато ва бир қават кимхоб билан ўралган суяги ётган, боши қиблага қаратилган, қўллари тўғриланган, панжалари ёйилган. Олимлар XIV асрда кўп жойни забт этган, номи иңсоният оламининг ярмини ларзага келтирган улуғ Темурнинг қиёфасини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Темурнинг оқсоқлиги ва қўли қотиб қолганлиги ҳақидаги тарихий маълумотлар тасдиқланди. Шу вақтда бошқаларнинг ҳам қабрлари очиб текширилди.

Темурийлар мақбарасидан чиқар экансиз қалбингизда қадимги меъморларнинг ажойиб санъатларига ҳурмат ва муҳаббат туйғулари пайдо бўлади. Улар бу санъат орқали инсон меҳнатини акс эттирганлар.

Осененная кронами могучих чинар, улица Ахунбабаева в юго-восточном направлении приводит к широко известному памятнику архитектуры — комплексу Гур-Эмир.

Свое название комплекс получил от мавзолея, в котором нашел последнее пристанище жестокий завоеватель и создатель обширной империи — Тимур. (Отсюда и название Гур-Эмир — могила повелителя, то есть Тимура). Однако первые постройки на территории комплекса, появившиеся в конце XIV века, связаны с именем любимого внука Тимура — Мухаммед-Султана. Как повествуют исторические источники, по соседству с мавзолеем Рухабад (силуэт его хорошо виден на севере от Гур-Эмира) Мухаммед-Султан построил медресе и ханаку — род странноприимного дома, распространенного на Востоке.

Расположенные друг против друга медресе и ханака своими фасадами выходили на квадратный двор. Другие две стороны двора были огорожены высокими стенами и в центре каждой из них устроены стрельчатые ниши — айваны, оформляющие входы в различные части ансамбля.

В 1403 году, возвращаясь из далекого похода к берегам Малой Азии, Мухаммед-Султан внезапно заболел и умер. Останки царевича были доставлены в Самарканд и погребены в склепе за южным айваном

ансамбля. Тимур распорядился соорудить мавзолей для царевича. Тогда-то над склепом построили восьмигранное здание и, как повествует восточный историк Шереф ад-дин, «возвели купол, подобный небу, сложили нижнюю часть стен из мрамора, украшенного золотом и лазурью...».

Существует легенда, что Тимур остался недовольным высотой мавзолея и приказал разломать его и в десять дней построить вновь. Работая день и ночь, под страхом строгого наказания, мастера справились с этой задачей. Как и во всякой легенде, здесь, очевидно, несколько преувеличены факты. Вероятно, имела место лишь некоторая перестройка венчающих частей мавзолея — барабана и купола. Но и эти работы, надо полагать, не были доведены до конца, так как сам Тимур умер в начале 1405 года и был похоронен рядом с Мухаммед-Султаном.

Возникшие после смерти Тимура междоусобные распри в связи с вопросом о престолонаследии препятствовали окончанию работ на мавзолее. Лишь с 1409 года положение в стране стабилизировалось. Шахрух, сын Тимура, избирает своей столицей город Герат, а правителем Самарканда назначает Улугбека.

Получив в наследство от Тимура не только колоссальные богатства, но и ученых, ремесленников, художников, Улугбек развил интенсивную культурную и строительную деятельность. При Улугбеке, свято чтившем память о своем великом деде, происходит окончательная организация восьмигранного мавзолея в династическую усыпальницу Тимуридов. Достраивается мавзолей и в него переносятся останки Мир-Сейида Береке — духовного наставника Тимура, в ногах у которого Тимур, по преданию, желал быть похороненным. Обновляется декоративная отделка стен внутри здания, на полу мавзолея устанавливаются и заключаются в ажурную мраморную ограду надгробные камни. Вход в мавзолей устраивается через пристроенную с востока в 1424 году многокупольную галерею.

В мавзолее были похоронены и сыновья Тимура — Мираншах и Шахрух.

Вероятно, к последним годам правления Улугбека относятся грандиозные пристройки к западной и южной граням мавзолея, оставшиеся незавершенными. Под влиянием фанатично настроенного духовенства в 1449 году над Улугбеком учинена жестокая расправа. Прах его также помещается в мавзолею Гур-Эмир.

Имеются сведения, что в XVII веке медресе еще действовало, а от здания ханаки остались лишь развалины. Личность Тимура уже не пользовалась былым почитанием, и мавзолей назывался по имени Сейида Береке. В период социального и экономического кризиса 20-х годов XVIII века опустевшее медресе Мухаммед-Султана стало катастрофически разрушаться.

Память о медресе и ханаке Мухаммед-Султана была предана забвению так основательно, что первые исследователи самаркандских древностей долго не могли определить место их расположения.

Лишь в советское время появилась возможность глубоких и разносторонних исследований памятника. Археологическими раскопками на большой площади были вскрыты остатки фундаментов и стен исчезнувших построек. Архитектурные изыскания помогли восстановить на чертежах их размеры, а также конструкции и декор отдельных частей. Полученные материалы легли в основу крупных реставрационных работ на памятнике, планомерно осуществляемых с 1945 года. В процессе этих работ полностью разрушенные стены дворика восстановлены на высоту человеческого роста, и это дает возможность сейчас четко ориентироваться в расположении всех сооружений архитектурного комплекса.

Для того, чтобы получить наиболее целостное впечатление от памятника, знакомство с ним рекомендуется начать с осмотра сооружений, расположенных с внешней стороны двора. Продвигаясь вдоль ограды вокруг памятника по ходу часовой стрелки, посетители познакомятся со всеми постройками комплекса, а затем, возвратившись к входному portalу, увидят главную достопримечательность его — мавзолей Гур-Эмир.

От ансамбля Мухаммед-Султана лучше всего сохранился входной портал. На фоне глухой фасадной стены он эффектно выделялся обильными и с большим мастерством исполненными украшениями из наборной мозаики, в которых искусно вплетено имя мастера — Мухаммеда, сына Махмуда из Исфагана.

В художественной обработке массивных пилонов преобладают композиции, основанные на сочетании геометрических фигур, так называемые «гирихи». Щипцовая стена с арочным проемом сплошь покрыта красочной ковровой мозаикой, на темно-синем фоне которой, гармонично переплетаясь между собой, в разных направлениях тянутся ветки стилизованных растений, усыпанных гроздьями пышных цветов. Свод в нише обработан нависающими сталактитами, составленными из ячеек в виде арочек, примыкающих одна к другой под разными углами. Верхняя часть портала разрушилась, а восточный пилон, наклонившись, мог обрушиться. Однако принятыми специальной научно-реставрационной мастерской необходимыми мерами памятник сохранен на многие годы. Пилон выпрямлен и жестко связан с остальными конструкциями; завершено восстановление портала, но без реставрации неповторимых мозаик. За стеной, ограждающей двор с востока, видны остатки медресе Мухаммед-Султана. При благоустройстве территории памятника они были подняты несколькими рядами кладки, что дает возможность наглядно ознакомиться с планировкой этого интересного сооружения.

Квадратный дворик медресе со всех сторон окружала двухэтажная аркада с размещавшимися за ней комнатками — худжрами. Как и в других медресе, это были узкие удлиненные помещения. Свет в них проникал через небольшие окошки над дверями. В углах здания находились аудитории — дарсхана, перекрытые куполами. Остатки декора, обнаруженные при археологических раскопках, говорят о том, что убранство этих помещений отличалось изяществом и красотой. Раскрашенные ячейки алебастровых сталактитов плавно опускались от купола на стены, по-

крытые легкой росписью и окаймленные панелью из глазурованных плиток с позолотой.

Аудитории, находившиеся в восточной части медресе, использовались по назначению еще в XVII веке. Западные же, вскоре после смерти Улугбека, были превращены в усыпальницы — гурхана. На развалинах юго-западной гурханы в XIX веке было сооружено небольшое, сохранившееся и поныне, купольное помещение в утилитарных конструктивных формах своего времени.

С южной стороны комплекса лучше всего просматривается наружная архитектура самого значительно сооружения — мавзолея Гур-Эмир. Восьмигранная призма, несущая цилиндрический барабан с огромным ребристым куполом, составляет основу объемной композиции здания. Все стены мавзолея покрыты облицовкой из синих, голубых и белых глазурованных кирпичиков, оригинально скомпонованных в фигуры геометрических орнаментов и арабских слов. Пользуясь различными сочетаниями одних и тех же элементов, зодчий блестяще разрешил задачу живописного оформления больших поверхностей.

С далекого расстояния, когда воздух смягчает контуры и цветовые контрасты, мавзолей кажется серебристо-голубоватым, и только купол слегка выделяется мерцающей синевой. По мере приближения к памятнику начинают проявляться синие линии геометрической сетки на восьмиграннике и высокие буквы стилизованной надписи на барабане. Потом обнаруживаются голубые строчки, заполняющие фигуры сетки гирихов и причудливые плетения между буквами. И, уже подойдя вплотную к зданию, вдруг открываешь чудесные мозаики над окошками в гранях и тонкую резьбу на мраморных плитах цоколя, опоясывающего мавзолей. Казалось бы, что исчерпаны возможности дальнейших открытий. Но на миниатюрных арочках сталактитового карниза панели есть такие ювелирные детали, которые нужно рассматривать буквально в упор. Поистине неисчерпаем талант народных мастеров, руками и умением которых выполнены все эти удивительные произведения!

Основное внимание в наружной архитектуре мавзолея обращено на купол. Имея большие размеры (диаметр в основании 15 метров, высота 12,5 метра), он, тем не менее, не кажется тяжелым. Этому способствует и разбивка его на ребра, коих 64, и удачный карниз, плавно передающий нагрузку от купола к надежному основанию — барабану. Но главное — цветовая разработка купола. Максимально насыщенный голубыми тонами, переливающимися на криволинейных ребрах всеми оттенками холодной гаммы с ослепительными блестками отраженного солнца, купол торжественно парит в небесной синеве.

В облицовках купола использованы глазурированные кирпичики. Ими же выложены простые, но удачно найденные по размерам узоры на сталактитах карниза.

Следует иметь в виду, что наружный купол служит целям чисто внешней выразительности памятника и возведен над другим — внутренним куполом, непосредственно перекрывающим помещение мавзолея. При реставрационных работах в пространстве между этими двумя куполами установлены надежные укрепительные конструкции. Большая и технически сложная работа по восстановлению купола — замечательное достижение советской реставрационной практики. Сейчас трудно отличить сохранившиеся древние фрагменты на памятнике от того, что принесла с собой реставрация. О масштабе проделанных работ можно судить по тому, что около половины облицовки купола и восьмигранника восстановлено заново. Вплотную к южной грани мавзолея примкнули остатки галереи, входившей в состав пристроек, появившихся, по-видимому, в середине XV века и связанных с организацией колоссального мемориального комплекса, в который органически включался мавзолей Гур-Эмир. Сюда же относится и склеп, расположенный к югу от мавзолея.

Известно, что в родном городе Шахрисабзе Тимур воздвиг грандиозное сооружение и приготовил в нем мраморный склеп с саркофагом для собственного упокоения. Но политическая ситуация после внезап-

ной смерти Тимура сложилась таким образом, что он оказался похороненным в мавзолее, построенном им для своего внука в Самарканде, а на крышке каменного гроба в шахрисабзском склепе так и не появилась плита с именем великого эмира.

По-видимому, Улугбек, вдохновившись примером деда, предпринял строительство величественного комплекса у мавзолея Гур-Эмир, связанного с заупокойным культом, и в нем соорудил склеп, не уступавший изяществом украшений своему шахрисабзскому прототипу. Но превратности судьбы оставили и этот склеп пустующим. После убийства Улугбека прекратились работы на комплексе, а прах Улугбека поместили в мавзолее Гур-Эмир, которому он уделил так много внимания.

Форма залов галереи угадывается по останкам стен, а характер отделки — по сохранившимся кое-где фрагментам сталактитов. О размахе пристроек, оставшихся незавершенными, дают представление остатки их с западной стороны комплекса. От колоссального квадратного зала сохранилась лишь одна из четырех огромных ниш, некогда утроенных в каждой его стороне. Толщу стен по бокам ниши прорезают коридоры, ведущие: северный — в купольные помещения, размещенные в двух этажах, южный — в галерею, обслуживавшую мавзолей Гур-Эмир и склеп. Мавзолей таким образом со всех сторон оказался застроенным зданиями, каждое из которых предназначено было выполнять определенные функции, обусловленные ритуалом.

От ханаки Мухаммед-Султана, так же, как и от медресе, сохранились лишь жалкие остатки стен да завалы изразцов. Но и они — немые свидетели — помогли раскрыть тайну, веками скрывавшую загадки этих мест. В центре ханаки размещался большой зал, крестообразный в плане, перекрытый обширным куполом. Вокруг зала группировались в два этажа взаимосвязанные помещения, предназначенные для жилья и хозяйственных нужд.

Итак, маршрут внешнего осмотра комплекса замкнулся, и мы опять во дворе ансамбля Мухаммед-Сул-

тана. Поверхность его, как и пять веков назад, выложена плитками, а в центре устроен водопоглащающий колодец. Стены, замыкавшие дворик со всех сторон, расчленены на декоративные арки, расположенные в два яруса. Различная ширина и высота арок, чередующихся в определенном порядке, и размещение цветочных пятен создавали уравновешенный гармоничный ритм. Арки в большинстве своем облицованы шлифованным кирпичом, зато тимпаны над ними выделяются насыщенной синевой изразцов с разнообразными растительными узорами. Особое внимание было уделено украшению центральных айванов. Осмотр сохранившихся фрагментов облицовки южного айвана дает лишь очень смутное представление о былом великолепии всего убранства. Плоскости, ныне затертые белым алебастром, раньше были обильно украшены наборной мозаикой. Поверху дворовые фасады обегал широкий пояс с арабскими надписями.

Из четырех минаретов, некогда возвышавшихся на наружных углах двора, полностью не сохранился ни один.

Первыми обрушились минареты, расположенные по бокам входного портала. В 1868 году, вскоре после занятия Самарканда русскими войсками, рухнул минарет, находившийся к востоку от мавзолея, а в 1903 году та же участь постигла и последний. По фотографиям и обмерным чертежам, сделанным в конце XIX века, два минарета восстановлены, но не на полную высоту. Утоняющиеся кверху их стройные цилиндры увенчивались сталактитовыми карнизами, подобно минаретам самаркандского медресе Улугбека, и, по-видимому, несли второе звено, выполненное в облегченных конструкциях.

Интересна техника набора облицовки минаретов, имеющих различные диаметры в нижней и верхней частях, но при этом одинаковое количество рядов облицовочных плиток. Выяснено, что разница в длине окружностей на противоположных концах минарета при облицовке разгонялась за счет варьирования ширины швов между вертикально поставленными

плитками, размеры же самих плиток оставались по всей высоте неизменными.

Ниша, где со времени Улугбека был устроен вход в мавзолей, выделяется богатой отделкой. Раньше над дверным проемом красовалась мозаичная плита с надписью:

«Это могила великого эмира Тимура...» (Плита экспонируется в Государственном Эрмитаже в Ленинграде). Но за дверью расположен не мавзолей, а ведущая в него многокупольная галерея. Наружная стена и часть куполов ее дважды перекладывались. Об убранстве галереи красноречиво повествуют бережно сохраняемые остатки. Панель из шестигранных шашек голубого цвета удачно гармонировала с росписью стен синей краской по белому фону. Отпавшая штукатурка кое-где обнажила участки восточного фасада мавзолея.

Но пройдена галерея, и мы — в усыпальнице Тимуридов. Это — обширный и высокий зал с глубокими нишами по сторонам. Лаконична и четка организация внутреннего пространства мавзолея. Широкие ленты арабских надписей ограничивают его основные членения: панель, стены, ярус арочных конструкций, поддерживающих внутренний купол, и сам купол.

Изысканно и утонченно декоративно-художественное оформление усыпальницы. По низу проходит панель из плиток светящегося изнутри зеленоватого оникса. Желобки между плитками раньше были заполнены брусочками черно-зеленого змеевика. Однако благородная фактура и красивый цвет дорогого камня являлись лишь фоном для миниатюрных орнаментов, покрывавших и панель и венчающий ее сталактитовый мраморный карниз. Живописные панно над панелью напоминают роскошные златотканые ковры. В оформлении яруса парусов и купола применены рельефные, отформованные из нескольких слоев шелковой бумаги, фигуры в виде медальонов и последовательно сокращающихся кверху и переплетающихся между собой трилистников. Поверхность этих фигур была вызолочена и покрыта мелким цветочным орнаментом. В просветах между рельефами прорастали

пятна штукатурки с мелковитыми спиралями, казавшимися то синими, то белыми и поэтому беспрерывно мерцавшими и создававшими иллюзию трепетного движения. Мировая архитектурная практика насчитывает лишь два памятника—Биби-Ханым и Гур-Эмир,—в украшении которых изделиям из папье-маше отведена главная роль.

Освещалась усыпальница через окна, забранные решетками с пластинками цветного стекла. Проникая сквозь них, солнечный свет смягчался и вносил в помещение дополнительную игру красочных бликов.

В декоре мавзолея сконцентрировано все лучшее, что было достигнуто мастерами на Среднем Востоке, но переработанное применительно к местным традициям.

В настоящее время ведутся работы по реставрации верхних частей усыпальницы.

На мраморных плитах центральной части мавзолея расставлены надгробия с эпитафиями Тимуридам. Среди них выделяется темно-зеленый, почти черный, нефритовый намогильный камень Тимура. Овеянный легендами о чудесном происхождении, необыкновенной прочности и сказочной ценности, этот камень имеет собственную интересную историю. Куски нефрита достались Улугбеку в числе военных трофеев при победе над монголами в 1425 году. Из них путем тщательной подгонки между собой и было сделано надгробие Тимуру. В 1740 году иранский шах Надир завоевал Бухарское ханство, в состав которого тогда входил Самарканд, приказал доставить в Мешхед камень с могилы Тимура. Но, убоявшись свершаемого святотатства, Надир-шах отказался от дальнейших затей, и надгробие, проделав такое далекое и сложное по тем временам путешествие, возвратилось на свое место.

В восточной нише мавзолея устроена лестница, по которой можно спуститься в склеп. Низкое помещение его перекрыто почти плоским двенадцатиклинным куполом. Отделка склепа чрезвычайно скромна. На полу в том же порядке, как и в мавзолее, лежат

мраморные, плиты, прикрывающие могилы Тимуридов.

В 1941 году специальной комиссией было произведено вскрытие захоронений. В гробу из арчовых досок, сколоченных массивными коваными гвоздями, под обрывками темно-синего парчового покрывала обнаружен скелет Тимура с вытянутыми, сведенными в кистях, руками и головой, обращенной в сторону Мекки. Ученым удалось воспроизвести внешний облик величайшего завоевателя XIV века, одно имя которого приводило в трепет добрую половину человечества. Подтвердились исторические сведения о хромоте и сухорукости Тимура. Проверена подлинность лиц и в остальных захоронениях.

После осмотра Гур-Эмира остается уважение к большому искусству древних зодчих, воспевших в камне гимн человеческому труду.

П 52 Плетнев, И. Е.
Гури Амир. 4-нашри. Г.,
«Узбекистан», 1970.

24 бет, расм. Тит. в. ва текст
паралл. ўзб. ва рус тилларида.

Плетнев, И. Е. Гур-Эмир.

(72(C52))

№ 510—70
Навойи номли ЎзССР Давлат
кутубхонаси

3-2-1
1970

На узбекском и русском языках

Игорь Евгеньевич Плетнев

ГУР-ЭМИР

Издание четвертое

Редакторы М. Сиддикова, А. Муракаева
Художник Б. Чеченин
Худож. редактор, М Гумаров
Техн. редактор Т. Аббасов
Корректоры: М. Вяткина Н. Хакимова

Сдано в набор 26/V 1970. Подписано к печати 16/X 1970 г. Формат
бумаги 84×90/32. № 1. Печ. л. 1,0. Усл. печ. л. 1,4 Уч. изд.
л. 1,1. +0,4 вкл. Тираж 50000. Издательство «Узбекистан», Галикент.
Навой, 30. Договор № 3—70.

Ташполиграфкомбинат Госкомитета Совета Министров УзССР по
печати. Навои. 30. Зак № 574. Цена 11 к.